

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКУШЕРЛИК ВА
ГИНЕКОЛОГИЯ ИЛМИЙ – АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/05.06.2020.Tib.114.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКУШЕРЛИК ВА
ГИНЕКОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ТУХТАБАЕВА ГУЛЧЕХРА МАХАМАДЖОНОВНА

**ГИПЕРТЕНЗИВ СИНДРОМЛИ ҲОМИЛАДОРЛАРДА
mHEALTH ТЕХНОЛОГИЯСИ МАРКЕРЛАРИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Тухтабаева Гулчехра Махамаджоновна

Гипертензив синдромли ҳомиладорларда m-HEALTH
технологияси маркерларини ишлаб чиқиш..... 3

Тухтабаева Гулчехра Махамаджоновна

Разработка маркеров m-HEALTH технологий у
беременных с гипертензивным синдромом..... 25

Tukhtabaeva Gulchekhra Makhamadjonovna

Development of m-HEALTH technology markers
in pregnant women with hypertensive syndrome..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКУШЕРЛИК ВА
ГИНЕКОЛОГИЯ ИЛМИЙ – АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/05.06.2020.Tib.114.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКУШЕРЛИК ВА
ГИНЕКОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ТУХТАБАЕВА ГУЛЧЕХРА МАХАМАДЖОНОВНА

**ГИПЕРТЕНЗИВ СИНДРОМЛИ ҲОМИЛАДОРЛАРДА
m-HEALTH ТЕХНОЛОГИЯСИ МАРКЕРЛАРИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2019.2.PhD/Tib820 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.akusherstvo.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Юсупбаев Рустем Базарбаевич
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Уринбаева Нилуфар Абдужаббаровна
тиббиёт фанлари доктори

Каримова Нилуфар Набижонова
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази


Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази PhD.04/05.06.2020.Tib.114.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «24» декабр соат 11:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100124, Тошкент шаҳар, Мирзо-Улугбек тумани, Мирзо-Улугбек кўчаси, 132А-уй.Тел./факс: (+998) 71-263-84-83; (e-mail: info@uzaig.uz).


Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100124, Тошкент шаҳар, Мирзо-Улугбек тумани, Мирзо-Улугбек кўчаси, 132А-уй.Тел./факс: (+998) 71-263-84-83.


Диссертация автореферати 2021 йил « _____ » _____ кuni тарқатилди.

(2021 йил « _____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).




Д.А. Алиева
Илмий даража тар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор


М.М. Файзиррахманова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, биология фанлари номзоди


Ф.М. Аюпова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Сўнги йилларда репродуктив ёшдаги аёллар орасида ҳомиладорлик давридаги гипертензив касалликлар тобора ортиб бормоқда. Касалликнинг кечиши, аёллар ҳаёт сифатининг пасайиши ва ўлим ҳолатининг ортиши билан фарқланади. Баъзи муаллифлар берган маълумотларга кўра, «... ҳомиладорликда гипертензив синдроми ҳолати 6% дан 15% атрофида ўзгариб турмоқда. Ривожланган мамлакатларда оналар ўлими структурасида гипертензив синдромлар 2-4 ўринларни эгаллаган бўлса ва улар ўлимининг 15-30% ига сабаб бўлмоқда»¹. Ҳомиладор аёлларда гипертензив синдром патогенезининг мураккаблиги ва касаллик оқибатларининг оғирлиги ўз навбатида, уни эрта ташхислаш, оқибатларини башоратлаш ва даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва уни амалий тиббиётга тадбиқ қилишни тақозо этмоқда.

Жаҳон миқёсида гипертензив синдромли ҳомиладорликни прогнозлаш маркерларини ишлаб чиқиш ва олиб боришни оптималлаштириш ва даволаш чора-тадбирларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада репродуктив ёшдаги аёлларда ҳомиладорликда гипертензив синдромни келиб чиқиш ва ривожланиш хавфи омилларини аниқлаш, гипертензив синдромга мойилликда биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичлар ҳолатини аниқлаш, касалликни олиб бориш протоколларини ишлаб чиқиш илмий-тадқиқотларнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда. Шулар билан бир қаторда турли генезли гипертензив синдромли ҳомиладорликни эрта ташхислаш, олиб бориш алгоритминини ишлаб чиқиш, ҳомилани сақлаб қолиш ва аёллар ўлим кўрсаткичларини камайтириш ҳамда керакли профилактик тадбирларини белгилаш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан репродуктив ёшдаги аёлларда учрайдиган касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларида «...оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматга эришишини кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш² каби муҳим вазифалар белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш, айниқса, гипертензив синдромли ҳомиладорликни прогнозлаш маркерларини ишлаб чиқиш ва олиб боришни оптималлаштирилган тактикаси, ҳомиладорликни давом эттириш ва ҳомилани сақлаб қолишга янги ёндошувлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

¹Г.Т. Сухих, Л.Е. Мурашко. Презклампсия / -М.: ГЭОТАР-Медиа, 2020.-558 б.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // www.lex.uz.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини 2017–2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ва 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора–тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора–тадбирлари тўғрисида» ва 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ-4513 сонли «Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг IV. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. 2021 йилга келиб, мобил тиббиёт сегменти бошланғич босқичларда бўлиб, у бир нечта сегментлардан иборат, масалан, мобил тиббий иловалар, мобил тиббий ёки шунга мос ускуналар, мобил хизматлардур. Лойиҳаларнинг мақсади ва ҳал қилиниши керак бўлган устувор вазифалар ҳар бир мамлакатда ўзига ҳос фарқ қилади. Ривожланган мамлакатларда хизматлар ва сервислар, биринчи навбатда, ҳаёт сифатини, тиббий хизмат даражасини оширишга, ривожланаётган мамлакатларда – соғлиқни сақлашнинг долзарб муаммоларини ҳал этишга, тиббий хизматларнинг ҳар ерда мавжудлигини амалга оширишга қаратилган. Бундан ташқари, мобил тиббиёт технологиялари ривожланаётган мамлакатларда ҳал этаётган яна энг долзарб муаммолардан бири: она ва бола саломатлиги ҳимояси. 2018-йилда Буюк Британияда 6191 нафар гипертоник касаллик билан оғриган бемор ва хусусий амалиётдаги 238 нафар умумий амалиёт шифокори иштирокида лойиҳа ишга туширилди. Натижалар олтига олий ўқув юрти мутахассислари томонидан беш йўналиш (хизматдан фойдаланиш даражаси, беморларни парвариш қилиш натижалари, иқтисодий самарадорлик, иштирокчиларнинг субъектив таассуротлари, электрон соғлиқни сақлаш хизматларини жорий этишда ташкилий омилларнинг аҳамияти) бўйича таҳлил қилинди ва қуйидаги натижалар қайд этилди: - тариф харажатларини 8%га камайтириш; - режалаштирилган касалхонага ётқизиш даражасини 14%га камайтириш (Bergman V. Finland – experience with ePrescription – national and cross-border / National Institute for Health and Welfare, Finland. 2019).

Россияда соғлиқни сақлашни ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича давлат дастури қабул қилинган бўлиб, унинг доирасида ушбу соҳани ахборотлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соғлиқни сақлашни ахборотлаштириш режаси 2020 йилгача соғлиқни сақлашни

ривожлантиришнинг умумий дастури билан уйғунлаштирилган бўлиб, маълумотлар ўрганилганда, 2018 йил июл ҳолатига кўра Россияда *mHealth* соҳасида 16 та лойиҳа, маҳсулот ва хизматлар тақдим этилган, аммо улар орасида акушерлик ва гинекология соҳасида бирорта ҳам маҳсулот ёки хизмат йўқ (J'son & Partners Consulting ҳисоботи, 21 июль 2020 йил).

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга оид Давлат дастурида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 2018-йил 22-январдаги №ПҚ-5308-сон), фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш қўмитаси жорий шароитга мослашиш ва жорий йил охирига қадар “Ақлли (Smart) тиббиёт” ва “Ягона тиббий ахборот маркази” тушунчаларини жорий этиш белгилаб берилган. *m-Health* йўналиши таҳлиллари шуни кўрсатадики, гипертензив синдромли ҳомилдорликни олиб боришда комплекс профилактик чора тадбирлар олиб бориш борасида яқдиллик мавжуд эмас, даволаш усуллари эса турли хил тактикалар қўллашни тақозо этмоқда (Р.А. Рахматуллаев *HEREs conf.*, 2018й.). Охириги йилларда мамлакатимизда турли соҳаларда, шу жумладан тиббиётда инновацион технологияларни жорий қилиш ўсиб бормоқда. Мобил соғлиқни сақлаш соҳасидаги ўзгаришлар аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича кўп функцияли виртуал марказларни яратиш учун асос бўлиши керак. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасида *mHealth* йўналиши эндигина шаклланаётган бўлиб, ушбу диссертация иши акушерлик амалиётига янги технологияларни жорий этишнинг дастлабки уринишларидан биридир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ушбу муаммо долзарблиги шубҳасиз ва келажакда бу йўналишда тадқиқотлар олиб бориш муҳимлигини кўрсатади. Тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиёти учун гипертензив синдромли ҳомилдорликни олиб боришнинг оптимал ва хавфсиз усулларини ишлаб чиқиш имкониятини беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ПЗ-20170926217 «Асоратланган ҳомилдорликни олиб боришда стационар ўрнини босувчи янги *mHealth* технологиясини ишлаб чиқиш» (2018-2020 йй.) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади гипертензив синдромли ҳомилдор аёлларда *mHealth* технологияси маркерларини ишлаб чиқиш, гипертензив синдромли ҳомилдорликни олиб бориш тактикасини такомиллаштириш орқали акушерлик ва перинатал асоратларни камайтиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон Республикаси шароитида гипертензив ўзгаришлар бўлган ҳомилдорларни олиб боришда *mHealth* технологиялар ташкилий кетма-кетлигини ишлаб чиқиш;

стационар шароитда гипертензив синдромли ҳомиладорлик асоратли кечишида она ва бола гемодинамикаси асосий кўрсаткичларининг прогностик трендга эга маркерларини аниқлаш;

амбулатор шароитда *mHealth* технологияларини қўллаб турли генезга эга гипертензив синдромли ҳомиладорликни масофавий кузатиш дастурини ишлаб чиқиш ва самарадорлигини баҳолаш;

mHealth технологиялар ёрдамида гипертензив синдромли ҳомиладорликни олиб бориш алгоритмини ишлаб чиқиш ва акушерлик амалиётида самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2018–2020 йилларда Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази (стационар ва амбулатор даволаш) назоратида бўлган 200 нафар гипертензив синдромли ҳомиладор аёллар олинди.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб гипертензив синдромли ҳомиладор аёллар, ҳомила, бачадон-йўлдош-ҳомила қон айланиш тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, клинико-анамнестик, функционал-инструментал, «TeleDoc» мобил дастури ва статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор гипертензив синдромли ҳомиладорликда амбулатор босқичида она ва ҳомила гемодинамикаси маркерлари (КТГ, ЎртАБ, ВенО) комплекси кўрсаткичлари ҳолатига боғлиқ ҳолда ҳомиладорликни хавфсиз олиб бориш аниқланган;

илк бор қон босимини сутка давомида мониторинги (ҚБСМ) асосида аниқланган суткалик гемодинамик профиллар ЎртАБ, найт-пикер ва нон-диппер кўрсаткичлари гипертензия кучайиши, муддатдан олдин туғруқ асоратлари ривожланиши билан ўзаро боғлиқлиги исботланган;

илк бор гипертензив синдромли ҳомиладорларни кардиотокограмма (Фишер мезонлари), бачадон-йўлдош-ҳомила комплекси доплерометрияси ва ҚБСМ кўрсаткичлари ўзгаришлари, муддатдан аввал туғдириш рационал тактикасини танлаш имконини бериши аниқланган;

гипертензив синдромли ҳомиладорликда патологик кардиотокография кўриниши ва Фишер мезони кўрсаткичида (<5) балл пайдо бўлиши ҳомила гемодинамикасидаги хавфли ўзгаришларга пропорционал боғлиқлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

амбулатор бўғинда турли генезли гипертензив синдромли ҳомиладорликни олиб бориш бўйича *m-Health* технологияси ва «TeleDoc» дастури ишлаб чиқилган;

ҳомиладорлик натижасини башоратлаш, ҳамда эҳтимолий асоратларни самарали баҳолаш учун инструментал текширувларнинг асосий маркерлари аниқланган;

турли генезли гипертензив синдромли ҳомиладорликни прогнозлаш ва олиб боришни оптималлаштирилган алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот ишларида замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, умумклиник, инструментал ва статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти гипертензив синдромли ҳомиладорларда *mHealth* технологияси маркерларини ишлаб чиқиш республикада келажакда чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун замин яратган, гипертензив синдромли ҳомиладорликда ҚБСМ асосида ЎртаБ, суткалик гемодинамик профиллар найт-пикер ва нон-диппер ўзаро боғлиқлиги, кардиотокограмма Фишер мезонлари, бачадон-ҳои́ла комплекси доплерометрияси кўрсаткичлари ўзгаришлари ва улар орасидаги ўзаро боғлиқлик ушбу патология патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти амбулатор бўғинда турли генезли гипертензив синдромли ҳомиладорликни олиб бориш бўйича *m-Health* технологияси ва «TeleDoc» дастури ишлаб чиқилганлиги, башоратлаш ҳамда эҳтимолий асоратларни самарали баҳолаш учун инструментал текширувларда асосий маркерлар аниқланганлиги ва турли генезли гипертензив синдромли ҳомиладорликни прогнозлаш ва олиб боришни оптималлаштирилган алгоритми ишлаб чиқилганлиги, акушерлик асоратлари сонини камайтириш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Гипертензив синдромли ҳомиладорларда *mHealth* технологияси маркерларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ҳомиладор аёлларда артериал босимни 24 соатлик мониторинги асосида ишлаб чиқилган «*m-Health* технология маркерларини ишлаб чиқишда гипертензив синдромли ҳомиладорларда артериал босим суткалик мониторингини қўллаш» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 9 июндаги 8н-д/64-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши ҳомиладор аёлларда гипертензив синдром хавфи пайдо бўлиши ва ривожланишини эрта ташҳислаш ва олдини олишга хизмат қилган;

гипертензив синдромли ҳомиладорларда *mHealth* технологияси маркерларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент тиббиёт академияси 2чи кўп тармоқли клиникаси ва Наманган вилояти перинатал маркази амалий фаолиятига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 9 декабрдаги 08-09/19460-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг клиник амалиётга жорий этилиши аёлларда ҳомиладорликда гипертензив синдром хавфи пайдо бўлиши ва

ривожланишини эрта ташхислаш, олиб бориш тактикасини такомиллаштириш, оғир ва енгил гипертензив ҳолатлар ўртасида дифференциал ташхис ўтказиш, касаллик асоратларини камайтириш ҳамда тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини оширишга имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 1 республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби: кириш, тўртта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар, иловалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 124 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг амалий натижалари ва илмий янгилиги келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Ҳомиладорларда гипертензив ҳолатларга бўлган замонавий қарашлар (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи боби бешта бўлимдан иборат бўлиб, уларда гипертензив синдром бўлган ҳомиладорларни кузатишга бўлган дифференциал ёндашув баён қилинган, соғлиқни сақлаш тизимда рақамли телемедицина роли асосланган, ҳомиладорликда гипертензив бузилишлар хусусиятлари, гипертензив бузилишлари бўлган ҳомиладорларда ҳомиладорликни олиб бориш ва даволашни прогнослаштириш масалалари ёритилган.

Диссертациянинг тадқиқот материаллари ва усуллари деб номланган иккинчи бобида текширилган беморларнинг умумий тавсифи ва тадқиқот усуллари баён қилинган.

Тадқиқот 3 босқичда амалга оширилган. Тадқиқотнинг I фазасида ГС бўлган ҳомиладор аёллар гуруҳи туғруқ муддатига қараб қуйидагича ажратилди: 1-гуруҳга (56) келиб тушганидан сўнг 2-5 кун ичида стационарда туғдириб олинган ҳомиладорлар киритилди, 2-гуруҳни (42) стационар даволанишдан сўнг 5-7 суткага келиб она ва ҳомила аҳволи барқарор бўлгани учун ҳомиладорликни давом эттириб, стационардан чиқарилган ҳомиладорлар ташкил этди.

Тадқиқотнинг проспектив когорт текшируви
Тадқиқот I босқичи – прогностик маркерларни аниқлаш учун
шифхонада ўтказилди



Расм 1. Тадқиқот дизайни

Ушбу босқичда ҳомиладорликни узайтириш учун қўлланиладиган асосий маркерлар белгиланди ва уларнинг муддатдан олдин туғишга олиб келадиган асоратлар ривожланишига бўлган сезгирлиги ва ўзига хослиги аниқланди.

Тадқиқотнинг иккинчи босқичида “TeleDoc” мобил иловаси яратилди, тадқиқот I босқичида аниқланган маркерлар асосида 22-37 ҳафталик ҳомиладорлик давридаги гипертензив синдромли ҳомиладор аёлларни олиб бориш алгоритми ишлаб чиқилди. Тадқиқот III босқичида олинган маркерлар самарадорлиги ўрганилди. Улар ишлаб чиқилган алгоритм ва ҳомилани уйда масофавий назорат қилиш учун «TeleDoc» дастурини қўллаб асосий гуруҳ (54) гипертензив синдромли ҳомиладорларда ўрганилди. Олинган натижалар асосий гуруҳ билан ўхшаш клиник манзарага эга қиёсий гуруҳ (48) натижалари билан таққосланди. Беморларни йиғишда ўтказилган барча умумий клиник, инструментал тадқиқот усуллари ва клиник материалларни статистик қайта ишлаш усуллари кўрсатилган.

Барча ҳомиладорларга фетометрия ва ҳомила анатомиясини мақсадли текширишни ўз ичига олган кенг қамровли акушерлик ультратовуш текшируви ўтказилган.

В-режим ва қон оқимини доплер картирлаш техникаси ёрдамида ҳомила функционал ҳолатини баҳолаш учун – фетоплацентар ва ҳомила ичи қон оқимининг доплер текшируви: импульс тўлқинли, рангли доплер картирлаш ва энергетик доплер амалга оширилган.

Барча ҳомиладорларга ҳомила-акушерлик комплекс ультратовуш кўриги ўтказилди (фетометрия+доплер), бу ўз ичига ҳомила биометрик параметрларини баҳолаш ва БА (иккаласида), ЙА, ЎМА, ҳомила веноз оқимида қон оқими спектрлари профилини қайд этиш кабиларни ўз ичига олди.

Текширилганларнинг барчасига ҚБСМ амалга оширилди, чунки бугунги кунда юқори қон босимини ташхислашнинг энг ишончли усули қон босимини бир марталик ўлчаш эмас, балки сутка давомида мониторинг қилишдир (ҚБСМ). Қон босимини сутка давомида мониторинг қилиш усули ҚБ шакли, оғирлик даражаси, юрак-қон томир тизимида аввал патология бўлган ёки бўлмаганлигини аниқлаш имконини беради.

Кардиотокограмма ва ҳомиланинг ҳаракатчанлиги автокоррекцияли доплер регистраторлари ва сезувчан тензометрик датчиклар билан жиҳозланган COMEN 5000 фетал мониторлар ёрдамида қайд этилиб, КТГ маълумотлар компьютерда W.M. Fisher баллари бўйича қайта ишланди, бу эса сифат жиҳатдан инвазив усулларда олинадиган эгриликлардан қолишмайдиган КТГ қайдномаларини олиш имкониятини беради.

Олинган натижалар «Excell» илова дастурлари пакети ёрдамида статистик қайта ишланди. Сараланганларнинг тўғри тақсимланганлиги текширилгач, Стьюдент (t) мезони асосида хатолар эҳтимоли (p) ҳисобга олиниб, параметрик вариантлар таққосланди.

Диссертация иши давомида ҳомила ҳолатини масофадан кузатиш архитектураси ва дастури ишлаб чиқилди. Тизим беш қисмдан иборат: бемор,

ҳаётий белгиларни назорат қилиш қурилмаси, шлюз сифатида смартфон, булутли сақлаш ва бу жараёнда иштирок этадиган шифокорлар ёки тадқиқотчилар. Якуний қурилма ҳомила ва онанинг зарур ҳаётий белгиларини, шу жумладан, юрак уришини ўлчайди (уни дастурга қўлда ҳам киритиш мумкин). Кейин якуний қурилма симсиз ёки сим орқали смартфон кўринишидаги шлюз қурилмасига маълумотларни узатади (бу Internet ва маълумотларни датчиклар орқали узатиш имкониятига эга ҳар қандай қурилма бўлиши мумкин). Шифокорлар булут тизимига кириши ва олинган маълумотларни таҳлил қилиш, жорий ва келгусида олиб бориш учун ташхис хулосалари бўлган изоҳларни қолдириши мумкин.

Диссертациянинг **«Касалхона ўрнини босувчи асоратлар ривожланишини башоратловчи трендлари мавжуд mHealth технологияларининг асосий индикаторлари ва маркерлари»** деб номланган учинчи бобида тадқиқот натижалари баён қилинган. Қўйилган муаммони ҳал қилиш ва гипертензив синдромли ҳомиладорларни хавфсиз амбулатор кузатиш алгоритминини ишлаб чиқиш учун тадқиқот давомида она ва ҳомила ҳолатини кузатиш учун маркерлар аниқланди. Тадқиқот бошида, гипертензив ҳолат кучайиши ва ҳомила ҳолати ёмонлашуви каби асоратлар ривожланишига сезгирлик ва ўзига хосликни аниқлаш учун ҳар бир бемор ҚБСМ, КТГ ва бачадон-плацента-ҳомила комплекси доплерометрияси ёрдамида текширилди. Тадқиқот дизайни истиқболли когорт текширув, ҳолат-назорат тадқиқини ўз ичига олган. Шифохонада даволанган гипертензив синдроми бўлган ҳомиладорлар тадқиқотга киритиш учун мезон сифатида қабул қилинди. Шифохонага қабул қилинганидан сўнг 6 соат ичида дарров туғдирилган гипертензив синдромли ҳомиладорлар тадқиқотга киритилмади. Гипертензия ҳолатида касалхонага ётқизиш кўрсатмасига бўлган барча ҳомиладорлар туғруқ натижаларига қараб 2 гуруҳга бўлинди. Гипертензия билан боғлиқ асоратлар кучайиши туфайли 5 кун ичида туғдирилганлар 1-гуруҳни ташкил этди N – 56. 2-гуруҳни ҳомиладорлик 5 кундан ортиққа узайтирилган ва шифохонадан чиқарилган ҳомиладорлар ташкил этди N – 42. Қиёсий таҳлил ўтказилди. Олинган натижалар ҚБСМ, КТГ ва доплерометрия ёрдамида амбулатория бўлимида ҳомиладор аёлнинг ҳолатини хавфсиз кузатиш учун ишлатилиши мумкин бўлган асосий маркерларни аниқлаб берди.

Гемодинамиканинг суткалик профилини олиш учун кунлик қон босими мониторинги умум қабул қилинган усул бўйича амалга оширилди. Марказий гемодинамика кўрсаткичларининг суткалик мониторинги АВРМ50 моделидаги Ambulatory Blood Pressure Monitor аппарати ёрдамида амалга оширилди. Қон босими ва пульс кундузи ҳар 30 дақиқада ва кечаси (23:00дан кейин) ҳар бир ярим соатда ўлчанди. Олинган барча натижалар қурилма хотирасида қайд этилди, сўнг бу маълумотлар компьютерга ўтказилди, чоп этилди ва таҳлил қилинди. Қуйидаги параметрларни кўриб чиқдик: ўртача артериал босим (ЎртаБ), суткалик индекс (СИ) ва вақт индекси (ВИ).

Тадқиқотимизга кўра гемодинамиканинг юқори сезгир маркерларидан

бири ўртача артериал босим бўлди. Иккала гуруҳда ҳам стандарт усулда ҚБСМ бажарилган, натижалар 1-жадвалда кўрсатилган. Натижалардан кўришиб турибдики, олинган маълумотлар сезиларли даражада фарқ қилади, ЎртаБ ва гипертензия ривожланишининг бошқа кўрсаткичлари 1-гуруҳда юқори бўлган. 3 кунлик фарқ билан ҚБСМ ўтказиш иккала гуруҳда ҳам сезиларли фарқлар борлигини кўрсатди, бу эса гемодинамиканинг ўзгаришини аниқлаш учун 3-5 кунлик интервал етарли эканлигини кўрсатади. Ўртача артериал босим кўрсаткичлари биринчи гуруҳда 44 (78,5%) нафар беморда $113,9 \pm 2,3$ мм. сим. уст.га тенг бўлган, бу эса уларда гипертензив асоратлар ривожланиши мумкинлигини кўрсатган. Иккинчи гуруҳда бу кўрсаткич 31 беморда $92,1 \pm 2,1$ мм. сим. уст.ни ташкил этган ва фақат 11 нафарида 110 мм. сим. уст.дан юқори бўлган. Шу тариқа, биринчи гуруҳда 56 нафар ҳомиладорнинг 44 тасида 110 мм. сим. уст.дан юқори гипертензия ривожланиши ва эрта туғруқ хавфи омили сифатидаги ЎртаБ маркери аниқланган. 44 нафар ҳомиладорнинг 12 нафари гипертензия ривожланиши туфайли, қолган 32 нафар ҳомиладор аёл эса бошқа кўрсатмалар сабабли муддатидан олдин туғдирилган. Биринчи гуруҳдаги 12 (21,4%) нафар ҳомиладорда ЎртаБ 110 мм. сим. уст.дан паст бўлган ва бу гуруҳда фақат 1 ҳомиладор аёл гипертензия ривожланиши туфайли эрта туғдириб олинган.

1-жадвал.

Текширилган гуруҳларда гемодинамика ҳолатини характерловчи айрим ҚБСМ маркерлари

Ўрганилаётган кўрсаткичлар	Гуруҳлар $M \pm m$	
	1-гуруҳ (n=56)	2-гуруҳ (n=42)
СИ % Норма (10-20%)	$22,1 \pm 2,9$	$15,1 \pm 2,3^*$
ЎртаБ, мм.сим.уст. (норма 110 мм. сим. уст.дан паст)	$113,9 \pm 2,3$ (n=30) $92,4 \pm 2,3$ (n= 12)	$96,1 \pm 2,1^*$
ВИ % ўртача	$41,7 \pm 0,3$	$15,4 \pm 0,4^*$
15%	11%	44%
30%	19%	45%
50%	36%	8%
-нон-дипперлар (АБ, СҚБ СИ етарли пасаймаслиги <10%),	$16,6 \pm 1,2 \%$	$15,3 \pm 1,6\%$
- найт-пикерлар (тунги гипертония, СҚБ СИ <0	$24,8 \pm 0,5\%$	$6,3 \pm 0,6\%^*$

Изоҳ *- 1-гуруҳга нисбатан фарқлар ишончилиги ($P < 0,05$).

Систолик қон босими ёки суткалик индекс (СҚБ СИ)нинг тунда пасайиши даражасига қараб биринчи гуруҳда суткалик АБ эгри чизиқларнинг 4 та тури аниқланди: 53% – дипперлар (кечаси қон босимининг

нормал пасайиши, СҚБ СИ 10-20%), 28% – нон-дипперлар (қон босимининг етарли даражада пасаймаслиги, СҚБ СИ <10%), 9% – найт-пикерлар (тунги гипертония, СҚБ СИ <0). Иккинчи гуруҳда: 73% – дипперлар, 18% – нон-дипперлар, 2% – найт-пикерлар аниқланди. Адабиётларга кўра, гипертензия асоратлари ривожланиши хавфи нуқтаи назаридан «найт-пикерлар» ва «нон-дипперлар» икки фазали АҚБ ритмининг ноқулай вариантлари ҳисобланади. Қон босимининг тунги пасайиши даражасининг оптимал қиймати – 10-20% ни ташкил этади. Кечаси қон босимининг кам ва ортиқча пасайиши, артериал гипертензия асоратлари учун хавф омилидир.

Юқори қон босими кузатилаётган вақтни баҳолаш учун вақт индекси (ВИ)дан фойдаланилади. Шунинг учун ҚБСМда қон босими нормал даражадан юқори бўлган вақт фоизи ҳисоблаб чиқилади. Бу кўрсаткич вақт индекси (ВИ) деб аталади ва соғлом ҳомиладор аёлларда 15% дан ошмайди. 30% гача бўлган кўрсаткичлар - қон босими ортиши эҳтимолини кўрсатади, биринчи гуруҳда бу кўрсаткич 11%, иккинчи гуруҳда 44% ни ташкил этди. ВИ 30% дан юқори - юқори қон босимидан далолат беради, бу биринчи гуруҳда 52%, иккинчи гуруҳда 45% ни ташкил этди. ВИ>50% - барқарор артериал гипертензиядан далолат бериб, биринчи гуруҳда 36%, иккинчи гуруҳда 8% ни ташкил этди.

Шу тариқа, ҚБСМ ёрдамида аниқланган маркерлар: ЎртаБ, суткалик гемодинамик профиллар найт-пикер ва нон-диппер, муддатдан олдин туғруқ бўйича сезувчанлиги 88% ва ўзига ҳослиги 42% бўлган кейинги 5 кун ичида асоратлар ривожланиши кўрсаткичлари эканлигини кўрсатди.

Ҳомила функционал ҳолатини баҳолаш маркерлари. Ҳомила ҳолатини баҳолашда прогностик аҳамиятга эга доплерометрия ёрдамида бачадон-плацента-ҳомила комплекси текширилди, рангли доплер картирлаштириш блоки қўлланди. Шунингдек, иккала гуруҳ ҳомиладорларида кардиотокография, Фишер индексини аниқлаш ва кардиотокограмма графигини баҳолаш орқали текширув ўтказилди. Веноз оқим ҳолатига алоҳида эътибор қаратилди, бу ҳомила ҳолатини кузатишнинг асосий маркери бўлиб, ҳомиладорликни узайтириш мезони бўлди, зеро рандомизацияланган текширув маълумотлари ушбу маркер ҳомила учун ноқулайлик бўйича юқори даражада ўзига ҳослик ва сезгирликка эгалигидан далолат беради. ISUOG тавсияларига кўра веноз оқим ҳолатининг 3 та тури фарқланади:

1-тур – норма, визуал графикда ўзгаришлар йўқ, ҳомиладорлик муддатига қараб пульсацион индекс (ПИ) ва резистентлик индекси (РИ) норматив кўрсаткичлари, 95 перцентиль атрофида, ПИ=0,21-1,35, РИ=0,50-0,70.

2-тур – спектрограмма визуал графиги ўзгаришлари, пульсативлик ортиши ва патологик ўзгаришлар (ПИ, РИ) ушбу ҳомиладорлик муддати учун 95 перцентилдан юқори.

3-тур – спектрограмманинг қўпол патологик ўзгаришлари – ушбу ҳомиладорлик муддати учун пульс тўлқинининг реверсив ёки нолли

диастолик қон оқими ва 95 перцентилдан юқори бўлган патологик (ПИ, РИ) ўзгариши.

Туғруқ усули муассасада қабул қилинган протоколга қараб, ҳомила функционал ҳолати ва она гемодинамикасини эътиборга олиниб танланган.

2-жадвал.

Ўрганилаётган гуруҳларда веноз оқим ҳолати

Ҳомила веноз оқими ҳолати	1-гуруҳ (n=56)	2-гуруҳ (n=42)
1-тур	25 (44,6%)	36 (85,7%)
2-тур	21 (37,5%)	6 (14,3%)
3-тур	10 (17,9%)	-

3-турдаги веноз оқими ўзгаришлари биринчи гуруҳда мос равишда 10 та (17,9%) ҳолатда муддатдан олдин туғдириш учун кўрсатма бўлган, иккинчи гуруҳда бундай кўрсаткичлар бўлмаган, бу эса туғруқ муддатини 5 кундан ортиққа чўзиш имкониятини берган (2 жадвал). 2-тур веноз оқимидаги ўзгаришлар 3-турга ўтиш эҳтимоли юқорилиги билан боғлиқ бўлгани ҳолда эҳтиёткорлик билан кузатишни тақозо этади. Шу тариқа, доплерометрия ёрдамида аниқланган назорат маркери сифатида 2 ва 3-турдаги веноз оқим ўзгаришлари қабул қилинган, зеро 1-турдаги ўзгариш иккала гуруҳда кўп бўлмаган, шунингдек, иккала гуруҳдаги фарқланишлар ишончсиз бўлган. Текширилаётганларнинг 1-гуруҳида 27 (48,2%) ҳолатда ҳомила ҳолати ишончли бўлмаганлиги туфайли муддатдан олдин туғдириб олинган, 2 ва 3-турдаги веноз оқими бўлган 2 та ҳолатда муддатдан олдин туғдириш бажарилмади. 1-гуруҳдаги 25 нафар ҳомиладорда 2-3 турдаги веноз оқими бузилишлари кўринишидаги хавф омили кузатилмаган, аммо кейинги 5 кун ичида бошқа сабабларга кўра улар муддатдан олдин туғдириб олинган. 2-гуруҳдаги 36 нафар беморда 2 ва 3-тур веноз оқим бўлмаган, уларга ҳам ҳомиладорлик 7 кундан ортиқроққа узайтирилган. Усул сезгирлиги 64% ни ташкил этди, ўзига хослик эса 87%, бу эса ушбу маркернинг муддатдан олдин туғиш хавфи билан боғлиқлигини кўрсатиб, гипертензия ҳолати бўлган ҳомиладорларни кузатиш учун ундан фойдаланиш мумкинлигини исботлайди.

Шунингдек, ҳомила функционал ҳолатини аниқлаш учун иккала гуруҳда ҳам кардиотокография, Фишер мезонларини аниқлаш ва кардиотокограмма графигини баҳолаш орқали текширувлар ўтказилди. Олинган натижалар иккала гуруҳда ҳам ҳомила ҳолати бузилиши борлигини кўрсатиб, бу динамикада КТГ мониторинглашни талаб этган (3-жадвал). КТГ натижалари индивидуал тарзда клиник маълумотлар, шунингдек, бачадон-плацента-ҳомила комплекси доплерометрияси каби бошқа тадқиқотлар натижалари билан биргаликда баҳоланган.

Патологик КТГ биринчи гуруҳда 20 та (35,7%) беморда, иккинчи гуруҳда 8 та (19,1%) ҳолатда кузатилган ва бу 37 ҳафтагача бўлган муддатда

хар куни кузатиш учун ёки динамикада яхшиланиш кузатилмаганлиги сабабли шошилиш тартибда туғдириш учун маркер бўлган.

3-жадвал.

Фишер мезонини баҳолаш

Фишер мезони	1-гурух (n=56)	2-гурух (n=42)
4-5 балл	20 (35,7%)	8 (19,1%)
6-7 балл	30 (53,6%)	19 (45,2%)
8-10 балл	4 (7,1%)	15 (35,7%)
Ҳомиланинг антенатал нобуд бўлиши	2 (3,6%)	-

3-жадвалдан кўришиб турганидек, Фишер мезони кўрсаткичларининг 5 дан кам бўлиши биринчи гуруҳда кўпроқ бўлган. 5 баллдан паст Фишер мезони кўрсаткичларини аниқлашда ҳар куни КТГ бажарилган, динамикадаги ёмонлашув ўртача ҳисобда 89% беморда 3 кун давомида қайд этилган, бу эса кузатиш интервалини қўшимча кузатувларсиз 3 кунга узайтириш мумкинлигини кўрсатади. Ҳомила учун туғруқ натижалари таҳлили кўрсатишича, 2-гурух ҳомиладорларда 72,6% ҳолатда чақалоқлар Апгар шкаласи билан баҳоланганда 7-8 балл билан, 21% ҳолатда 5-6 балл билан ва 6,3% ҳолатда 1-4 балл билан туғилган, ваҳоланки 1-гурухда Апгар шкаласи бўйича 7-8 баллга 12,3% аёллар, 5-6 баллга 27% аёл ва 1-4 баллга 57,1% аёллар эга бўлган, шунингдек, ушбу гуруҳда 2 та аёлда (3,6%) ҳомила антенатал нобуд бўлган.

Ушбу технологияда КТГ методининг сезгирлиги 46%, ўзига хослик эса 61% ни ташкил этди, бу эса ушбу маркернинг муддатдан аввал туғиш хавфи билан боғлиқлигини кўрсатиб, гипертензив синдромли ҳомиладорларни кузатишда ундан фойдаланиш мумкинлигини кўрсатади.

Биринчи гуруҳда муддатдан аввал туғруққа бўлган кўрсатмалар дастлабки 3 кунда 36 нафар ҳомиладорда, кейинги 2 кун давомида қолган 20 нафар ҳомиладорда аниқланди. 4-жадвалдан кўришиб турганидек, бундай кўрсатмага асосий сабаб дастлабки 3 кунда 11 (19,6%) нафар ҳомиладорда, кейинги 2 кунда 7 (12,5%) нафар аёлда гипертензив ҳолатнинг кучайиши бўлди. ФПЕ кучайиши дастлабки 3 кун ичида 8 (14,2%) та ҳолатда, кейин эса яна 2 кун давомида 3 та ҳолатда кузатилган (5,3%). Дастлабки 3 кун ҳомиланинг ишончсиз ҳолати 8 та (14,2%) ҳомиладорда, сўнг эса кейинги 2 кун ичида 6 (10,7%) та ҳомиладорда ривожланган. Гипертензив ҳолатга боғлиқ бўлмаган акушерлик кўрсатмалари 6 (10,7%) нафар аёлда қайд этилган.

2-гурухда жами 5 та ҳолатда (11,8%) гипертензия билан боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра туғдириш кўрсатмаси берилган.

Шу тариқа, стационар шароитларида ўтказилган тажрибалар кўрсатишича, гипертензив ҳолатлар асоратлари ривожланишининг ЎртАБ 110 мм. сим. уст.дан юқори, ВИ 30% дан юқори ва гемодинамиканинг найт-пикер (тунги гипертензия) тури каби маркерлари гипертензив ҳолат

ривожланиши даракчиси бўлиши мумкин, улар 18 та (32,1%) ҳолатда муддатдан олдин туғдиришга кўрсатма вазифасини ўтаган, прогностик сезгирлик 57%, ўзига хослик 89% ни ташкил этган.

4-жадвал.

Динамик кузатувда туғдиришга бўлган кўрсатмалар

Туғдиришга бўлган кўрсатмалар	3 сутка давомида кузатувлар		5 сутка давомида кузатувлар	
	I гуруҳ (n-56)	II гуруҳ (n-42)	I гуруҳ (n-56)	II гуруҳ (n-42)
160 га 110 мм. сим. уст. ва ундан юқори бўлган АБ.	11 (19,6%)	-	7 (12,5%)	-
3 даражали ФПЕ	8 (14,2%)	-	3 (5,3%)	-
Патологик КТГ	8 (14,2%)	-	6 (10,7%)	-
ҲҚПТМАЙ	6 (10,7%)	3 (7,1%)	-	-
Бошқа сабабалар	3 (5,3%)	2 (4,7%)	4 (7,5%)	-

Биринчи гуруҳда 20 та (35,7%) ҳолатда КТГ маълумотлари муддатдан аввал туғдиришга кўрсатма бўла олган, прогностик сезгирлик 46% ни, ўзига хослик 61% ни ташкил этган. Тадқиқот гуруҳида 53,5% ҳолатда ФПЕда веноз оқим ҳолати муддатдан аввал туғдириш маркери бўлган, прогностик сезгирлик 64% га тенг бўлса, ўзига хослик 87% ни ташкил этди. Шу тариқа, учала маркерни биргаликда қўллаб, юқори эҳтимоллик даража билан муддатдан аввал туғдиришга кўрсатма бўла оладиган асоратлар ривожланишини башорат қилиш мумкин. Гипертензив синдромли ҳомиладор аёллар ушбу маркерларнинг патологик кўрсаткичлари бўлмаган ҳолларда 3-5 кун интервал билан амбулатор кузатилиши мумкин. Ушбу маркерлар гипертоник асоратлари бўлган ҳомиладорларни госпитализация қилиш тактикасини танлашда қўлланиши мумкин ва шу билан бирга улар самарали амбулатор кузатувни ҳам таъминлайди.

Диссертациянинг «**Ишлаб чиқилган маркерлар асосида гипертензив синдромли ҳомиладорларни хавфсиз кузатиш асослари**» деб номланган тўртинчи бобида тадқиқотнинг сўнгги босқичи натижалари тақдим этилган. Бунда гипертензив синдромли ҳомиладорлар гуруҳида амбулатор шароитда ишлаб чиқилган кузатув маркерлари ва масофавий кузатиш учун «TeleDoc» дастури самарадорлиги баҳоланди. Ҳомиладорлик кечиши, туғруқ муддати ва туғилган ҳомила ҳолати каби асосий кўрсаткичлар баҳоланиб, 2 та гуруҳ ҳомиладорларида ўзаро таққосланди. Белгиланган тадқиқот режасига кўра асосий гуруҳга (n-54) стационар ўрнини босувчи *mHealth* технологиялари ва алгоритмни қўллаб амбулатор даволанган гипертензив синдромли, акушерлик анамнези оғир бўлган ҳомиладорлар киритилган. Тадқиқот дизайни проспектив когортали кузатиш ва ҳолат-назорат кабиларни ўз ичига олган. Стационар ёки поликлиникага гипертензив синдром билан муружаат

қилган ҳомиладорлар гуруҳга киритиш учун мезон бўлган, улар алгоритмга мувофиқ текширувдан сўнг оғир патология ва асоратли гипертензия хавфи борлиги инкор этилгач, амбулатор кузатувга ўтказилган.

